



2016-2022 ЙИЛЛАРДА ЮРТИМИЗДА ШОЛИЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОХАТЛАР

Шокиров Равшан Усмонқул ўғли

Гулистон Давлат Университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7457640>

ARTICLE INFO

Received: 10th December 2022

Accepted: 18th December 2022

Online: 19th December 2022

KEY WORDS

Жаҳон деҳқончилиги,
ҳосилдорлиг, биоэкологик,
шоли, зараркунандалари,
агротехника, кимёвий,
препаратлар.

Шоли энг муҳим озуқа экини бўлиб, жаҳон деҳқончилигида экиладиган майдони жиҳатидан иккинчи ўринда, ҳосилдорлиги бўйича эса донли экинлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. ФАО маълумотларига қараганда, дунё бўйича 2016 йилда 751,9 млн тон-на шоли ҳосили етиштирилган. Жумладан, Осиёда– 680,1 млн тон-на, Хитойда – 208,5 млн т, Ҳиндистонда – 163,3 млн т, Индонезияда –72,7 млн т, Бангладешда – 52,6 млн т, Ветнамда – 43,6 млн т, Таи-ландда –32,6 млн т, Японияда – 10,7 млн т, Шри-Ланкада – 4,4 млн т. шоли ҳосили олинган. Республикамизда ҳар йили ўртача 75– 85 минг гектар майдонда шоли экилиб, 320 – 325 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинади. Бугунги кунда дунё қишлоқ хўжалиги тармоғи бўлган шоличилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар натижасида,

ABSTRACT

Мақола шоли етиштириш ва юртимизда шоличилик бўйича қилинган ишлар ҳақида.

шоли етиштирувчи етакчи давлатлар Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам, Индонезия, Япония ва Кореялик олимлар томонидан ҳосилдорликни ошириш, дон сифатини яхшилаш, шоли зараркунандаларининг тур таркиби, уларнинг биоэкологик хусусиятлари, зарарлилик даражасини аниқлаш ва уларга қарши курашнинг истиқболли усуллари яратиш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб бо-рилмоқда. Бугунги кунда шолига зарар етказадиган зарарли орга-низмларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш чораларининг ва уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш масалалари долзарб ҳисобланади. Дунё олимларининг ҳисоб-китобларига кўра, жаҳонда зарар-ли организмлар таъсири натижасида қишлоқ хўжалик экинларининг 30 – 40% дан ортиқ ҳосили йўқотилади.



Мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда шоли зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши кураш тадбирларини аҳамияти каттадир. Зараркунандалар таъсирида Ўзбекистонда шолчилик билан шуғилланувчи фермер хўжаликларидида шоли ҳосилининг тахминан 5 – 6% и нобуд бўлмоқда. Шолида зараркунанда, касаллик ҳамда бегона ўтларнинг ёпирилиши дехқонларимизга бир қатор муаммолар келтириб чиқариш билан бирга айрим фермер хўжаликларда шоли ҳосилини сифатини бузилишига олиб келмоқда. Шолчилик билан шуғилланувчи фермер дехқонларни олдида турган ушбу муаммо-ларни ечишга шолига асосий зарар етказувчи зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларнинг кўриниши, иқтисодий зарари, кураш усуллари ҳамда Республикамизда кўллаш учун рухсат этилган кимёвий воситаларни (препарат) ишлатишнинг самараси, шунингдек, кимёвий препаратлар билан ишлаш мобайнида эҳтиёт чоралари тўғрисида маълумотларни дехқонларимизга етказиш керак. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шолида ташкилий-хўжалик ва агротехника тадбирлари амалга оширилганда, шунингдек, шоли ўсимлиги зарарланишига қарши курашда махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилган тақдирдагина ҳосилни тўлиқ сақлаб қолинади. Ҳосилни тўлиқ сақлаб қолиш билан бирга уни сақлаш ва қуритиш, сифатли маҳсулот олиш ва аҳолини йил давомида сифатли маҳсулот билан таминлаш лозим. Бу ишларни бажариш учун дехқонларимизни амалий тажриба билимлари ортиши учун кўшимча янги

маълумотлар: шоли етиштириш, қайта ишлаш, қуритиш ҳақида ва янги навлар, дунёда шоли етиштириш бўйича етакчи мамлакатларнинг шолчини етиштиришнинг янги замонавий технологиялари ҳақида мақолалар ёзишимиз ва кўпайтиримиз керак. Жаҳон амалиётида шолчини қуритишдан кейинги қайта ишлаш технологик жараёнларида сифатли маҳсулот миқдорининг ортишини таъминлайдиган техника ва технологиялар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, шолчини қуритиш учун ихчам, энергиятежамкор, ишлатишга қулай ва таннархи арзон қуритиш қурилмаларини ишлаб чиқиш йўналишида мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикада донни сифатли қуритишни таъминлайдиган замонавий, самарадорлиги юқори, ресурстежамкор қурилма ва технологияларни тадбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, "...2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, 2017-2020 йилларга мўлжалланган экин майдонларини оптималлаштириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш" вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан, ихчам, энергиятежамкор, ишлатишга қулай ва таннархи арзон қуритиш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда,



етиштирилган шоли ҳосилини сифатли қуритиш ҳисобига шолидан олинадиган гуруч миқдорини орттириш ва таннархини пасайтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади ва Республика халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга.

Президент Ш.Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига охириги ташрифи чоғида вилоятда 2021 йил ҳосили учун тажриба тариқасида шолидан йилига 2 марта ҳосил олиш топшириғи берилган эди. Мазкур топшириқнинг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилдан бошлаб Хоразм вилоятида ана шу усулда шоли етиштириш йўлга қўйилди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан илк маротаба вилоятнинг 8 та туманида 20 гектар майдонда биринчи экинни экиш ишлари якунланди.

Мазкур майдонларда шолнинг маҳаллий эртапишар - “Санам”, “Гулистон”, “Нукус 2”, “Нукус 70” навлари кўчатлари экилиб, июль ойининг биринчи ўн кунлигида тўлиқ пишиб етилади. Июль ойида экиладиган иккинчи ҳосил эса октябрь ойида йиғиштириб олинади.

Одатдагидан икки марта кўп ҳосил олиш учун айни дамда ҳудудларда ишни тўғри ташкил этиш, бу борада хориж тажрибасини кенг қўллаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги олимлари ва мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи шоликор фермерлар ҳамда шоли етиштирувчи хўжаликлар билан мулоқотлар ўтказмоқда. Маҳаллий етиштирилувчиларга Япония, Хитой, Корея, Филиппин, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг тажрибалари ўргатилмоқда. 2021 йилда

Ўзбекистонда янги шоли навларини яратиш мақсадида Вьетнамдан 15 та, Хитойдан 15 та, Кореядан 6 та, Россиядан 4 та ва Туркиядан 2 та нав намуналар келтирилди. Ушбу навлар маҳаллий навлар билан чатиштирилиб, янги навлар яратилади.

Айни пайтдаги режага кўра, жорий йилда аҳолини гуруч маҳсулоти билан узлуксиз таъминлаш ва нарх барқарорлигини сақлаб туриш мақсадида 611 минг тонна ёки ўтган йилга нисбатан 287,5 минг тонна кўп шоли ҳосили етиштирилиб, 350 минг тонна гуруч, 65 минг тонна оқшоқ (сечка) ҳамда 90 минг тонна ембоп маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Маълумот учун: Республика аҳолиси учун йилига 335 минг тн гуруч (жон бошига меъёр 9,8 кг/йил) талаб этилади. 2020 йилда 180 минг тонна гуруч ишлаб чиқарилган. 2019 йилда 58 минг тн ва ўтган йили 13,6 минг тн гуруч импорт қилинган. Ҳозирда Ўзбекистонда экин майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

— 2021 йилда шоли экиладиган майдонлар ўтган йилга нисбатан 37 минг гектарга ёки 40 фоизга оширилиб, жами 129,3 минг гектарга, шундан, 66,7 минг гектар асосий ва 62,6 минг гектар такрорий майдонларга шоли экиш белгиланди.

Маълумот учун: 2020 йилда 92,3 минг гектар (47,3 минг га асосий ва 45 минг га такрорий) майдонда 323 минг тонна шоли етиштирилган ва ҳосилдорлик ўртача 35 центнерни ташкил этган.

— Сув тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда ҳосилдорликни ошириш



мақсадида шоли майдонларининг 43 минг гектари (33%) лазерли текисланади ва 40 минг гектарга қўчат усулида шоли экилиб, ҳосилдорлик ўртача 12-15 центнерга оширилади.

Соҳада кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш учун республиканинг 8 та ҳудудида ташкил этилган 29 та шолчилик кластерлари томонидан 37 минг гектар (56%) асосий майдонларда шоли етиштирувчи 3,5 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари билан кооперацион алоқалар йўлга қўйилади. Шунингдек, шолидан сифатли ва юқори ҳосил олиш мақсадида уруғчиликни илмий асосда ривожлантириш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан:

- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий муассасаларда жамғарилган 615 тонна юқори авлодли маҳаллий шоли навларининг уруғликлари 20 апрелдан 30 майгача 22 та туманда ташкил этилган Уруғчиликни ривожлантириш тизимидаги 8 та элита уруғчилик хўжаликларининг 51 гектар ҳамда 323 та шоли уруғчилиги йўналишидаги кластерлар ва фермер хўжаликларининг 3,9 минг гектар ер майдонларига экилиб, 19 минг тоннадан ортиқ юқори авлодли уруғлик етиштирилади.

- Республика ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитига мос, юқори ҳосилли янги селекцион навларни яратиш мақсадида хориждан олиб келинган 42 та нав ва намуналар май ойида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида 3 та илмий-тажриба станцияларида ва 4 та шоли уруғчилиги хўжаликларида 20 гектар майдонга экилиб, экологик синовдан ўтказилади.

- Ҳосилдорлиги юқори хорижий навларни маҳаллий шароитга мослаштириш ва катта майдонларда етиштиришни йўлга қўйиш учун Хоразм вилоятига Хитойдан олиб келинган шолининг серҳосил 4 та нав ва 2 та дурагайдан 60 тонна уруғликлар қўчат тайёрлаш учун 20 апрелгача иссиқхоналарда махсус пластик кассеталарга экилади.

Шоли қўчатлари 15 майдан танлаб олинган 154 та фермер хўжаликларининг 1 200 гектар асосий майдонларига илк маротаба механизациялашган ҳолда экилади. Бунинг учун Хитойдан 14 та махсус қўчат экиш машиналари олиб келинди. Қайд этиш керакки, Уруғлик шоли етиштириш бўйича ҳудудларда феврал ойида танловлар ўтказилиб, 1471 та талабгор фермер хўжаликларидан энг салоҳиятли 323 таси танлаб олиниб, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланди.

Шолини саноат усулида қайта ишлаш ва қўшилган қиймат занжирини яратишни кўпайтириш бўйича “ТСТ Rice” кластери тажрибаси асосида 6 та ҳудудда 13 та шолчилик кластерлари томонидан 2021 – 2022 йилларда 129 минг тонна қувватдаги қайта ишлаш, қуритиш ва сақлаш инфратузилмасини ташкил этиш учун қиймати 200 млрд. сўмлик лойиҳалар ишга туширилади.

Шунингдек, Республикада шолчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини халқаро тажрибалар асосида янада ривожлантириш, илмий лаборатория ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш учун Халқаро молия институтларидан 100 млн. АҚШ доллари миқдордаги кредит



маблағларини жалб этиш бўйича музокалар олиб борилмоқда.

Амалга ошириладиган чоратадбирлар натижасида сув тежалишидан тортиб, сифатли маҳсулотни юқори кўрсаткичда йиғиб олиш кутилмоқда. Аниқ рақамларга кўра, эндиликда:

– шолени кўчат усулида экиш ва лазерли ер текислаш ҳисобига

4,8 минг тонна уруғлик (60%) иқтисод қилинади ҳамда 460 млн. метр куб сув (23%) тежаллади;

– ҳар бир гектар майдон ҳисобига шолни ҳосилдорлиги 43 фоизга

оширилиб, ўртача 50 центнерга етказилади;

– жорий йил якуни билан 19 минг тоннадан ортиқ юқори авлодли уруғлик шолни етиштирилиб, 2022 йилдан республика бўйича тўлиғича сертификатланган уруғлик билан таъминлаш йўлга қўйилади;

– келгуси йилдан бошлаб республика аҳолисининг тиббий меъёр бўйича гуручга бўлган 335 минг тонна талабини ички ишлаб чиқариш ҳисобига тўлиқ таъминлаш ва импортни тўхтатиш имкони яратилади.

References:

1. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш дастури (1998-2000 йиллар)
2. Балашев Н.Н., Земан Г.О. “Сабзавотчилик” Т., “Ўқитувчи”, 1977.
3. Боъриев х.Ч., Зуев В.И., Қодирхоъжаев О. Мухамедов М.М. “Очиқ йерда сабзавот екинлар йетиштиришнинг прогрессив технологиялари” Т., “ЎзМЕДИН”, 2002.
4. www.gov.uz
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>